

✓ ТЕЗ ЁРДАМ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ ✓ ХАШАР ЙЎЛИ БИЛАН

Мустақиллик байрами арафасида Гулистон шаҳрида вилоят тез тиббий ёрдам кўрсатиш маркази тантанали равишда фойдаланишга топширилди. Бу марказда 210 ўринга эга ва энг замонавий шойи-линч ёрдам кўрсатиш усуни ҳамда бошқа зарур воситалар билан жиҳоз-

ланган. Марказ шифокорлари бундан бунён Сирдарё вилоятининг барча ҳудудлари аҳолисига малакали ва кўп қиррали шойи-линч тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятига эга бўлдилар.

■ Абдужалил УМАРОВ

Конимех туманидаги «Шўркўл» жамоа хўжалигининг «Кўнаобод» қишлоғида мустақиллик байрами кунларида зангори олов ёнди. Аниқроғи, 35 та хонадон соҳибаларининг рўзгор юмушлари ҳаммақадар енгиллашди. Харақтерлиси шундаки, қарийб 2 км масофага ётказилган қурувлар ҳам, уларни пайвандаш

ишлари ҳам асосан ҳашар йўли билан аҳолининг ўз маблағи ҳисобига амалга оширилди. Шу ой охиригача хўжаликнинг яна 35 та хонадониди табиий газ ёнади. Энг қувончлиси, бу олис қишлоқ аҳолиси ташаббус билан иш туттишмоқда.

■ Музаффар ШАРОПОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Р.В. АБДУКАДИРОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИГИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давлат идораларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун Равиль Вахабович

Абдукадилов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиги билан мукофотлансин.

ррий ёрлиги билан мукофотлансин.

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2000 йил 6 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ТЕРРОРЧИ ГУРУХЛАР ТАРКИБИГА АДАШИБ КИРИБ ҚОЛГАН ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИНИ ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистонга қўшни бўлган давлатлар ҳудудидаги террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган, оғир жиноятлар содир этмаган, Ватанига, ота-онаси бағрига қайтиб, тинч ҳаёт кечиришни ният қилган шахсларга яна бир бор имконият бериш, уларнинг беҳуда қурбон бўлишига йўл қўймаслик мақсадиди ҳамда гуманистик тўғри ва интилишлардан келиб чиққан ҳолда:

1. Турли хил экстремистик оқимлар таъсирида чет алларга кетиб, террорчи гуруҳларга қўшилиб қолган, қўли қонга ботмаган, ўз қилмишидан надомат чекиб, пушаймон бўлиб бош эгиб келган шахслар жиноий жавобгарлиқдан озод

этилсин.

2. Ушбу Фармон мазкур шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кириши учун ҳуқуқий асос бўлиши белгилаб қўйилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ушбу Фармон талабларидан келиб чиқиб, террорчилик, босқинчилик билан боғлиқ хавф-хатарларнинг олдини олиш, халқимизнинг тинч

ҳаётини таъминлаш мақсадиди ўз фаолиятини янада кучайтирсин. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, маҳаллий ҳокимликлар, маҳалла фаоллари хушёрлик ва огоҳликни ошириш бўйича аҳоли ўртасида тушултириш ишларини олиб боришга жаддий эътибор қаратсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгаши котиби М.Раҳмонқулов ва Президентнинг давлат маслаҳатчиси У.Комилов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Тошкент шаҳри, 2000 йил 6 сентябрь

И.КАРИМОВ

O'zbekiston ovozi

Шу азиз Ватан — барчамизники

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIIY GAZETASI □ 2000 YIL 7 SENTABR PAYSANBA № 107 (26.657)

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ

ТЕРРОРИЗМ — ЖАҲОЛАТ, НАРКОБИЗНЕС — РАЗОЛАТ, ТИНЧЛИК ЭСА ЁРУФ САОДАТДИР

Инсон фарзанди ўзидаги барча ёмон фазилатлар учун урушни лаънатлаши керак. Қурол тутган одам — тириклик ва инсониятнинг душмани. Ёвузлик эзгу туйғуларни топтайди. Одам фарзандини йўлдан оғдиради. Ақлдан оздиради.

Бугунги кунда ер юзида содир бўлаётган воқеаларга назар ташласак, инсоннинг нақадар шафқатсизлашиб бораётганини сезамиз. Буларнинг барчасига улкан фожиа-гиёҳвандлик, терроризм сабабчи. Шунинг учун ҳам террорчининг миллати, ҳеч қандай этники бўлмайди. Жаҳон халқлари қўлни қўлга бериб, турли хил тилда гаплашсалар-да, бир-бирини дилдан тушунса, англасса, елкадош бўлса, суячк бўлса, она-сайёрамизда тинчлик бардавом бўлади. Эзгулик зафар кучади.

Яқинда иккинчи қаҳриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Президентимиз инсониятни ҳалокат жари ёқасига олиб борувчи машъум тушунча — терроризм ва наркобизнес, уларнинг оқибатлари, Марказий Осиё минтақасидаги бугунги ҳолат ҳақида батафсил сўзладилар. Шу билан бирга ҳар бир ўзбекистонлик учун Ватан ҳимояси муқаддас эканлиги, бу йўлда огоҳ туришимиз зарурлиги хусусида қўниб гапирдилар. Биз бугун айрим ватандошларимизнинг мана шу хусусидаги фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этаймиз.

Олимжон ЖУМАНОВ,
Иктисод фанлари доктори,
профессор:

— Афғон муаммосини ҳал этишдек оғир муаммони Ўзбекистон анча йиллардан бери олга суради. Ва мамлакатимиз дунёни терроризм балосидан қутқариб қолишнинг асосий йўлларидан бири шу эканлигини эътироф этмоқда. Агар бу ерда гиёҳвандлик моддаларини етиштиришга чек қўйилмас экан, ўқ отиш тўхтатилмас экан, барқарорликка эришиб бўлмайди.

Афғонистон гиёҳванд моддалар етиштириладиган асосий ўлкага айланиб қолди. Терроризм бутун ер юзининг душмани экан, демек дунё халқлари Афғонистондаги бу вазиятга бефарқ қараб туролмайди.

Гулчехра ЗОКИРОВА,
Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети талабаси:

— Мен Президентимизнинг сессия залидида туриб сўзлаган нутқини ЎзТВ орқали

тингладим. Сўнгра матбуотда синчиклаб ўқиб чиқдим. Маълум бўлдики, террорчиларнинг асл мақсади Марказий Осиё ҳудудида тинчликни, мувозанатни бузиш, гиёҳванд моддаларни ўтказиш учун йўллар — коридорлар очиш ва бу коридорларни ҳимоялашдан иборат. Агар улар асл мақсадларига эришсалар, бу жойларда ҳаётнинг маъносига пугур етади, Террорчилар учун ҳаётдан маъно ахтариш, завқланиш бегона. Биз бу ҳаётни севмай-диган, тинчликни қадрламайдиган разилларга қарши бош кўтаришимиз керак.

Раъно ХАМРОЕВА,
Навоий вилояти:



— Мен қишлоқ аёлиман. Сессияда давлатимиз раҳбарининг айтган ҳар бир сўзи менинг қалбимни ҳаяжонга солди. Президентимиз мени, болаларимни, тинч ҳаётимни ҳимоя қилиб гапирди. Содда, лўнда, тушунарли қилиб айтилган ушбу гаплар халқимизнинг дилидаги гаплар эди. Энг биринчи ўринда тинчлик керак. Агар тинчликимиз йўқолса, ишимизда унум бўлмайди. Кўнглимиз таскин топмайди.

■ Кўчқор НОРҚОБИЛ ёзиб олди

ХИТОЙ ЎЗБЕКИСТОННИ ҚЎЛЛАМОҚДА

Жангарилар томонидан содир этилаётган террорчилик ҳаракатлари муносабати билан Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзяминдан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов номига мактуб келди. Унда, хусусан, шундай дейилади:

«Яқинда мен мамлакатингиз жанубий сарҳадларига террорчилик мақсадида диний экстремистларнинг жангарилари бостириб киргани, давлатингиз суверенитети ва хавфсизлигига раҳна солганини эшитдим. Сизнинг кўп йиллик дўстингиз сифатида мен ушбу тажовуздан чуқур ташвишдаман. Шунингдек, мен чуқур мамнуният билан шуну таъкидламоқчиманки, Сиз жаноби Олийлари ҳамда Ўзбекистон ҳукумати бу кучларнинг хавфини сезиб, уларга кескин қақшатқич зарба бергансиз. Сиз Жаноби Олийларининг давлат суверенитети ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш ҳамда терроризмга зарба бериш йўлида олиб бораётган дадил амалий ҳаракатларингизни тўла қўллаб-қувватлайман ва юқори баҳолайман. Мен Сиз жаноби Олийларининг раҳбарлигингиз остида мамлакатдаги вазиятни назоратга олиш, бостириб кирган жангариларни йўқ қилишингизга қатъий ишонаман».

Мактуб давомида «барча манфаатдор давлатларни уларнинг тажовузкор ҳаракатларига қаршилик кўрсатиш учун бирлаштириш зарурияти юзага келмоқда. Хитой ва Ўзбекистон бундай ёвуз кучларга қарши ҳамкорликда курашни масаласида кўп умумий қарашларга эга», дейилади.

ХХР Раиси «Шанхай бешлиги» механизми миллий сепаратизм, халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши биргаликда курашишга янада кенг имкониятлар яратадиган, шунингдек, Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги хавфсизлик ва ҳарбий соҳада ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштиришга хизмат этади», деб таъкидлайди.

«Жаҳон» АА

ВОКЕА ЖОЙИДАН РЕПОРТАЖ

Халқаро террорчилар яқсон этилди. Қолган-қутганларининг эса нафас олишга ҳам мажбур йўқ. Сикхонинг ини минг танга бўлиб қолгандек. Динни никоб қилиб, муслмончилик ҳақида турли бўлмағур сафсатларга тўқибган ёвузлар бугунга келиб ўзларини ҳам қириб ташлашпти. Ҳатто, ярадор шерикларига

ҚОЯДА ҚОЛГАН ҚУЗҒУНЛАР

хам ҳайвонларча муносабатда бўлган кимсадан нимани ҳам куттиш мумкин? Бир неча кундирки, денгиз сатҳидан 4000-5000 метр балиқ бўлган Сарюсиё ва Узун туманларининг азим тоғларида соқинлик. Осойишталик ҳўкм сурди. Бирлашган қуроли кўчларнинг режалари бўйича 3-6 сентябрь

кунлари Ҳамидарча, Киштут, Тамархут, Сарюсиё қишлоқлари ва Сағдар, Карминат доволарида тозалаш ишларининг сўнгги босқичи ўтказилди. Ташқи халқа душман келиши эҳтимоли бўлган йўл, довол ва унгулар йўқ қилинган, блок постлар мустаҳкамланди. Разведкачиларимизнинг маълумотларига асосан Мудофаа ва

зирлигининг махсус бўлимаси жангчилари ҳар қарич ерни обдон кўздан кечиришди. Мудофаа вазирлиги матбуот маркази бошлиғи, подполковник Комил Жабборовнинг сўзларига қараганда, тозалаш ишлари давомида гор ва пистирмалардан террорчиларнинг мурдалари, қурол-аслаҳа, ўқ-дори ва кийим-кечақлар то-

пилган. Шунингдек, душман бўлиши эҳтимоли бор, деб тахдон қилинган горлар бутунлай яқсон этилган. Янги қабрлар ҳам топилди.

■ Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири



ТИНЧЛИК — ОЗОД МЕҲНАТ ГАРОВИ

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат

МАРКАЗИЙ КЕНГАШДА ҚАБУЛ

2000 йил 6 сентябрь кунини Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Югославия Иттифоқи Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Муваққат ишлар вакили Любиса Йович, унинг илтимосига биноан, қабул қилинди.

Марказий Кенгаш биринчи котиби А. Жаололов

меҳмонга партиянинг мамлакатимизда, республика Президенти И. А. Каримов раҳбарлигида, амалга оширилаётган ўзгаришлардаги иштироки, ХДП ташкилотларининг кундалик фаолияти тўғрисида сўзлаб берди.

Бўлиб ўтган сўхбатда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва Сербия

Социалистик партияси ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш масалалари тўғрисида фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби А. Рустамов иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП матбуот хизмати

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ НУФУЗЛИ ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН БИРИ
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРAT «ПАХТАБАНК»

Жорий йил давомида 1 ой ва ундан ортқ мuddатга ойига йиллик 25 фоизли даромад тўланадиган «2000» номли омонат тури.
Маблағларни қўйиш чоғида унинг юзасидан фоизлар олиш билан 6 ой мuddатга очиладиган йиллик 30 фоизли «Оқ олтин» омонат тури.

Пул маблағларини 3 ой мuddатга жойлаштириш билан очиладиган йиллик 25 фоизли «ПАХТАКОР» омонат тури.
Шунингдек, Сиз пулнинг 50 фоизгача белгиланадиган «Нафқак», «Фаровонлик», «Навиқ-ход» ва бошқа шу каби мuddатли омонат турларига «Пахтабанк»нинг истаган бўлимида жойлаштиришингиз ва Сиз учун қулай вақтда олишингиз мумкин.

ОМОНАТИНГИЗНИ КАФОЛАТЛИ АСРАЙМИЗ ВА КЎПАЙТИРАМИЗ!
«ПАХТАБАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

МИЛЛАТ ВА ШАХС

БАҒРИМИЗДАГИ БУЮКЛАР

Мустақиллик йилларида шаклланган аъъаномизга кура бу йил ҳам қутлуғ байрам арафасида Республика Президенти Ислам Каримов Ватанимизни обод қилиш йулида фидокорона меҳнат қилган юртдошларимизни тақдирлаш тўғрисида бир қатор фармонларни эълон қилди.

Табийки, байрам кунлари бу фармонлар узукка қўйилган кўздек ярашиб тушди ва юзлаб хонадонларнинг, уларнинг қариндош-уруғларининг, дўсти-биродарларининг байрамга байрам, қувончига қувонч қўшди, кўнглини кўтарди. Мен имкониятдан фойдаланиб, мукофотланган юртдошларимизнинг ҳаммаларини чин юракдан табриқлайман ва уларга энг яхши тилакларимни изҳор этаман. Шу билан биргана бир фармон тўғрисида шаксан ўзимнинг бошим осмонга етганини, беҳад хурсанд бўлганимни, ҳаяжонларим, гуғуригим ҳаддан ошагини айтмай ўтолмайман. Бу—Ойбек, Гафур Гулом, Абдулла Қаҳҳор, Юнус Ражабий, Муҳиддин Қорӣқубов, Мулла Тўйчи Тوشмухамедов, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Аббор Ҳидоятлов, Воғир Зокировларни «Буёқ хизматлари учун» ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги фармондир. Уйлайманки, уларнинг бу юксак мукофот билан тақдирларини ёлғиз мени эмас, барча адабиёт ва санъат аҳлини, жаммики ижтимошларини, қолаверса, бутун халқимизни бешиқо хурсанд қилди. Ҳарҳолда, бу фармонни дилдан олқилмаган, ундан мамун бўлмаган биров кимсасиз бўлмас керак. Бу — табиий. Негаки, авваламбор марҳумларни хотирлаб, руҳларини шод қилиб туриш мусулмончиликда энг хайрли, энг савоб ишлардан ҳисобланади. Мукофотланганларнинг ҳаммалари ҳам юртимиз ободлиги йулида, халқимизнинг маънавиятини ривожлантириш йулида чиндан буюқ хизматлар қилиб кетган атоқли сиймослардир. Биз буюқларимизни тиркиликда олқилшасак, гулларга кўмасак, соясига кўрпача соласак, бу дунёдан кўз юганидан кейин сафимиздан учириб ташласак, осласасак, фақат ўзимизнинг тирклигимиз билан андармон бўлиб, уларни қалбимиздан ситиб чиқарсак, тўғри бўлмасми?! Бундай қилиш, юмшоқ қилиб айтганда, маънавиятимизнинг кемтиклигидан далолат бермайдими?!

Кеча юртбошимиз бутун халқимиз номидан шу улғурларимизнинг руҳини шод қилгани бизда исломнинг энг яхши, энг инсоний, энг фарз ақидаларига садоқат оғизда эмас, амалда мавжуд эканлигини кўрсатди. Бундай ишлар бизнинг чиндан-да инсонпарвар жамият қуриш йулидан астойдил бораётганимизни яна бир қарра исбот қилди.

Аммо гап шундагина эмас. Президентимиз ўз фармони билан бир қатор буюқларимизни яна бағримизга қайтарди ва яна бир қарра ўтмишимизга, унда яратилган маънавий хазинамизга, бекатдор қадриятларимизга гоёта авайлаб, гоёта гам-хўрлик билан, уларнинг бирор жиҳатини нест-нобуд қилмасдан муносабатда бўлишимиз кераклигини кўрсатди. Маълумки, ўтмишга ва айниқса яқин ўтмишимизга муносабатимизда баъзи бир нохуш ҳолатлар, гаيريқлиб таъминийлар, халқ таърибасига, бибобарин халқнинг узига такаббурлик билан бепсанд қарашлар намоеин бўлган эди. Албатта, бундай қарашларни тушуниш ҳам, изоҳлаш ҳам мумкин. Халқимиз юз йилдан ортиқроқ мууддада мустамалак шароитида, зулмат салтанатида яшади. Шунда ҳам у умидсизликка берилмади, ёруғ кўзлар, рўшнолик кўнлари келишини кўтиб яша-

ди. Большевиклар унинг қўйини пуч ёнғоққа тўлдирди. Улар халққа «социализм» деб аталмиш жаннат ваъда қилишди. Купчилик бу ваъдаларга учди, баъзилар унинг чинлигига шубҳа қилишди, лекин бундай одамлар яқкам-дуқкам эди ва уларнинг қўлидан ҳеч нарса келмасди. Жўда ёрлақганда, улар савол беришарди, холос.

Эсингизда бўлса керак, Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб» романида бир воқеа тасвирланган — қишлоққа тасвирланган келди ва улар деҳқонларни йиғиб олиб, уларга социализмнинг нима эканлини тушунтиришди. Улар «социализм жўда яхши нарса, унда ҳамма тенг бўлади, бою камбағал бўлмайди» дейишди. Шунда бир деҳқон савол беради: «Шунақа қилмоқчи бўлса, ҳукуматга балли, ўғлим. Фақат бир нарсани тушунтириб бер: ҳукуматимиз қандай қилиб ҳаммани тенг қилмоқчи — камбағални бой қилибми ёхуд бойни камбағал қилибми?». Романда тартиб-ботчилик бўлган деҳқоннинг саволига нима деб жавоб бергани эсимда йўқ. Лекин ҳаётда жавоб қандай бўлгани маълум — социализм ҳаммани гадо қилди. Социализм дегани амалда уз-дусксиз қатли оғилар, мислсиз талон-тарожлар, халққа қарши террор, таъқиб ва зулм, миллий ҳақорат ва таъқирлардан иборат экан. Аввалги зулмат социализм даврида янада куюқлашди, бутун мамлакат бепеин бир турмага айланди. Америка президенти тоғиб айтганидек, дунёнинг олтидан бирида «ёвузлик салтанати» қарор тоғди. Албатта, бунақа худобехабар, золим, тоталитар тузум бир эмас-бир кун қўлини шод қилиб туриб мусулмончиликда энг хайрли, энг савоб ишлардан ҳисобланади. Мукофотланганларнинг ҳаммалари ҳам юртимиз ободлиги йулида, халқимизнинг маънавиятини ривожлантириш йулида чиндан буюқ хизматлар қилиб кетган атоқли сиймослардир. Биз буюқларимизни тиркиликда олқилшасак, гулларга кўмасак, соясига кўрпача соласак, бу дунёдан кўз юганидан кейин сафимиздан учириб ташласак, осласасак, фақат ўзимизнинг тирклигимиз билан андармон бўлиб, уларни қалбимиздан ситиб чиқарсак, тўғри бўлмасми?! Бундай қилиш, юмшоқ қилиб айтганда, маънавиятимизнинг кемтиклигидан далолат бермайдими?!

Кеча юртбошимиз бутун халқимиз номидан шу улғурларимизнинг руҳини шод қилгани бизда исломнинг энг яхши, энг инсоний, энг фарз ақидаларига садоқат оғизда эмас, амалда мавжуд эканлигини кўрсатди. Бундай ишлар бизнинг чиндан-да инсонпарвар жамият қуриш йулидан астойдил бораётганимизни яна бир қарра исбот қилди.

миз маълум даражада уша замоннинг темир қонунарига мослашишга мажбур бўлишарди, лекин бундай «мослашиш» уларнинг ижодига моҳиятини ташкил қилмаган. Сира эсимдан чиқмайди — бир кунни Абдулла Қаҳҳор қайси бир асарини «ўқиб қўринг» деб берди. Мен ўқиб чиқиб, қизиқ рангли ҳам бор экан, деим таъна маъносига. Абдулла ака жавоб берди: «Қизил ранг — вазелин. Жиндай ёғламасанг, гапингни утказасан олмайсан». Ҳарҳолда, ижодкорларимиз ана шунақа топқилмади билан, эҳтимолик, ижодий қувватининг ярмини шу «тоқир» лигига сарфлаб, социалистик реализм тузоқларини айланиб ўтишган бўлса ажаб эмас.

Энди бевосита куни кеча «Буёқ хизматлари учун» ордени билан тақдирланган адабиёт ва санъат арбобларига қайтсак, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, улар истеъдодининг кўламига кўра, таъсир кўчунинг ўткирлиги жиҳатидан, санъаткорлик ғиғонининг тарақлиги, вақт синовига бардош бергани ва халқнинг маънавий дунёсида турган ўрнига қараб, том маънодаги даҳо санъаткорлар эди. Бу фикр-ни мен уч адаб мисолида исботлаб беришим мумкин.

Ойбек кенг қиррали истеъдод эгаси эди. У ижодини шoir сифатида бошлаган бўлса, носир сифатида давом эттирди. Ажойиб таржимон бўлди, йирик тақдиротчи ва адабиётшунос сифатида доғ чикарди. У адабиётнинг моҳиятини тарақ тушунар, уни ўткинчи сиёсий тамойиллардан юқори туришини билар ва шу қарашлари учун жазорат билан кураш олиб борарди. Виргина мисол келтирай. 1927 йилда Чўлпонни «халқ манфаатидан олис турадиган гоивий зарарли зиёлилар шоири» сифатида кескин қораловчи мақола эълон қилинган. Уша пайт-доеъ ҳар бир фикрловчи одамга маълум эдики, бу даҳшатли тўқмоқни кутарган қўлни ҳаракатга келтирган нарсас катта партиявий идораларда ўтирган мафкуравий кучлар эди. Улар билан гап талашиб, уларга гап қайтариб жўда хатарли эди. Шунга қарамай, Ойбек ҳеч нарсдан тап тортмай, Чўлпонни химоя қилиб чиқди, унинг тарақ санъаткор эканлини таъкидлади ва ўз қарашларини Пушкинни мисол келтириб исботламоқчи бўлди. Моҳият эътибори билан олганда, Ойбек 1927 йилда эълон қилинган уша мақоласида адабиётда партиявийлик принципига, адабиётга дўр-пўписас билан туриш гоиларини олиб киришга қарши турган ва зўр эҳтирос билан ижод эркинлигини ёқлаб чиққан эди. Шу мақоласини эълон қилганида Ойбек бор-йўғи 22 ёшда эди! Албатта, бундай «пакколик» учун муаллифининг бошини силанганлар йўқ, аксинча, бунни тегишли ташкилотлар унуттирмади. 30-йилларнинг урталарида у ҳамма ишларидан қувилди, ҳамма таъриятлар ва напшриятларнинг эшиги унинг учун тақат-тақ беркитилди. Ойбек моддий қийинчиликлар ичидан қўлди ва шундай шароитда ҳам эътиқодидан қайтмади — у «Қўтулғ қон» романини эди. Афесуки, бу романи расмий адабиётшунос-лигимиз томонидан куп йиллар мобайнида инқилобий роман сифатида талқин қилиниб келди. Ҳолбуки, романини синчиқлаб қайта ўқиган одам унинг миллий роман эканлига амин бўлади — унда йулучи ва бошқа қаҳрамонлар сиймосида ўзбек халқининг миллий ўйғонини жароивчи чуқур очилган. Асарда аср бошдаги ўзбеклар ҳаёти турфа хил бетакор рангларда ифодаланган, унда миллий характерлар китобхон қалбига учмас э қолдиради. Ундан кейинги «Навий» романи ҳам адаби-

ётимизнинг шоҳ асарларидан бўлган эди ва шундай бўлиб қолаётир. Бундай асарларни «эскирган», «қимматини йўқотган», «социализмга хизмат қилувчи» деб айтишга қандай тил боради?! Фақат «санъат», «бадиият» деган нарсаларни юзаки ва бир томонлама тушунадиган одамларгина бунақа баркамол асарлардан бурун жиёирмоғи мумкин.


Гафур Гулом-чи? Ҳа, Гафур Гулом бир қарашда шуруларнинг арка арзада-си эди. Ундан ҳеч қанақа сийловларни аяшган эмас. Шурулар тишларини тишларига қўйиб бўлса-да, унинг катта-кичик «пўхлик» ларини кутарар эди. Чиндан-да, Гафур Гуломда расмий мавзуларга бағишланган шеърлар ва мақоалалар, маҳзия ва алёр йўналишидаги асарлар бор. Лекин бу шoirнинг ижодини ҳам шулардангина иборат деб бўлмайди. Унда чинакам халқона шеърлар ҳам куп. Унинг шеърлари шарқона хикматларга, шарқона доғишманликка тула. Унинг шеърлий образлари, исторалари, кашфиётлари шу қадар кўп, шу қадар тарақ ва ёрқинки, уларнинг шу кўнларгача яшаб келаятганини фақат шундай юксак бадиий фазилатлари билангина изоҳлаш мумкин. Тула асос билан айтиш мумкинки, Гафур Гулом Шарқнинг XX асрдаги энг узига хос, энг ёрқин, энг хўламли шоири эди ва хўзир ҳам шундай. Лекин ана шуларнинг барига қарамай, у том маънодаги фожиона ҳаёт кечирган. Шу маънода у шурунинг эркини эмас, қўрбони бўлган. Унинг фожиаси ўз сиёратини тула намойиш қила олмасликдан, суврати-ни ҳаммиша кераклик шамойилга солиб юриш мажбуриятидан, кўнгил билан имкон уртасидаги зиддиятдан, ижод эркинлиги йўқлигидан туғилган фожиаси эди. У бор иқтидорини ишга сола олмаганидан, истеъдодини тула-тўксис юзага чиқара олмаганидан иштироб чеккан. У фақат мақтовлардан қанот бўлаб учангани эмас, уша ичидига зиддиятнинг қийноғидан ичган ҳам ҳал қилиб бўлмайдиган муаммолар кўчирганини учини қадаҳа тубидан излаган эди. Гафур Гулом нисбатан ёш вафот этганида Абдулла Қаҳҳор қай-гули кўзаларини аллақайқа қиқиб, чуқур хўрсиниш билан «бу одам узида борининг ярмини ўзи билан бирига олиб кетди» деган эди. Герострат шуҳратига шерик бўлишни истеган ашбос адабиётшунослар ҳаса бу одамга тош отиш ҳавасига тушиб қолган. Ҳолбуки, ўтиб кетган одамга қўра чаллаш учун унчалик қўр ақл керак эмас. Лекин бировга пичоқ санчишдан аввал уни узинига уриб кўрмоғинг керак. Зўр бўлсанг, унинг фожиасини идрок эт, қайси зиддиятлар бу буюқ инсон ва шоирни кулатганини очиб бер!

Абдулла Қаҳҳор ҳам адабиётимизнинг энг ёрқин юлдузларидан бири. Менинг назаримда, қайси жиҳатларида олиб қараманг, агар ёвузчилик бобида жаҳон стандарти мавжуд бўлса, Абдулла Қаҳҳор бу стандартнинг ҳамма талабларига тула мос келади. Унинг кўнчилик асарлари адабиётимиз хазинасидан урин олган. Ҳатто «Кўнчилик чироқлари» ёхуд «Синчалар» каби биринчи қарашда «социалистик мафкура»га хизмат қиладигандай кўринган асарларини ҳам арзimas тахрир билан бўтун нашр қилса бўлади. Бироқ негадир бу адабнинг таърибасидан, айниқса, бадиий тил бобидаги маҳора-тидан муттасил ўқиб-ўрган-ниш ўрнига, унга ҳам тош отишга иштиёқмандлар кўпайиб қолган. Гуё у даврида унинг бошда синган тошлар камлик қилгандай. Ахир бир факта эътибор беринг — Абдулла Қаҳҳорнинг биронта йирик асари ва ҳатто айрим мақоалари би-

рон марта «бегалва» утган эмас, уларнинг ҳаммаси расмий мафкуранинг газабига учрав ва унинг муҳиблари томонидан қаҳр билан қарши оливарди. «Сароб» қораланиб, 20 йилдан ортиқ тақидқа юрди. Романи «асарнинг бош қаҳрамони бўлмиш миллиятчи Саидий китобхонда нафрат ўйғотмади, аксинча, унда хайрихоҳлик қўзғатади» деб уришган эдилар. Утмиш ҳақидаги ҳикоялари «танқидий реализм» деб баҳоланди, адабнинг ўзи совет воқелигидagi ижобий томонларни кўра олмайдиган деб эълон қилинди. «Кўнчилик» қишлоқдаги синфий курашни бузиб кўрсатган дейилди, «Шоҳи сузана» конфликтсизлик касалига чалинган, «Синчалар» да ҳам гоивий хатоларга йул қўйилган, «Тобутдан товуш» да эса умуман совет воқелиги бузиб кўрсатилган дея тамга босилган эди. Бундай таъна-дашномларнинг захри босилмай, албатта, Абдулла Қаҳҳор бирор асар ёзиб қўяр ёки бирон ножиоз гап айтиб қўярди-да, унинг теварағидagi галвалар янада қаттиқроқ куч билан алағ-таланарди. Унинг ҳаётлигида унга қарши амалга оширилган энг сунгги жазолаш маросими Қаҳҳорнинг 60 йиллик юбилейи бўлди. Бунга адабнинг юбилей кечасида мукофоту унвоўларга ми-натдорчилик билдириш ўрнига намойишкорона тарза «мен партиянинг оддий солдати эмас, онгли аъзоиман» деган хитоби сабаб бўлди. Бу том маънода исёнкорлик руҳи билан сугорилган, очидан-очид партиявий аънаналарга, ёзувчининг партия номидан жиловлаб олишга қарши қаратилган ҳайқирғ эди. Шу муносабат билан бошланган айрим салбий қарашлар Абдулла Қаҳҳор вафот этганидан кейин ҳам давом этди. Шуларни инобатга олиб айтиш мумкинки, Абдулла Қаҳҳор ўзбек ёзувчилари ичида партия урнатган тартибларга, таъйикларга қарши ошқор ва энг фаол кураш олиб борган инсон эди. Гарчи у узининг курашлари давомида «истиқлол» сузини қўлмаган бўлса-да, у амалда ўз фаолияти билан мустақиллигимиз йулида фидокорлик қилган инсон эди. Шундоқ экан, бутун Президентимиз И.Каримов ана шу учта забардаст ёзувчимизни, адабиётимизнинг учта бакуват чинорини муносиб тақдирлаган экан, нима учун адабиёт мухлисларининг шодликлари омонга урламасин?! Нима учун уларнинг адабиётимиз учун ифтихори қанот ёзмасин!?

Бу ҳодисанинг яна бир муҳим томони шундаки, у мустақиллик йилларида бизнинг юртимизда адабиёт ва санъат, қолаверса, бутун маданият соҳасида юриллаётган сиёсат билан чамбарчас боғлиқ. Бу сиёсат — қисқа му-датли, ўткинчи сиёсат эмаслиги аён бўлиб қолди. У пуқта уйланган, куп йилларга мулжалланган, куп томон-партиявийлик олиб юриллаётган доно сиёсатдир. Бу ўринда мустақиллик йилларида юртбошимиз И.Каримов томонидан маданият соҳасида қилинган ишларнинг ҳаммаси эмас, бир қисмини ҳам бу мақолада айтиб тамом қилиб бўлмайди. Ҳеч шубҳа йўқки, изчиллик билан амалга оширилаётган бу сиёсат ҳозирдан яхши самара бермоқда. Бунинг исопти сифатида сунгги йилларда байрам тағналарига ўз маҳоратини намойиш этаётган санъаткорларни кўрсатиш мумкин. Вутунги адабиётимизда ҳам шундай силжиш белгилари кўринмоқда. Мен буларнинг барини чуқур мамнуният билан таъкидлайман ва адабиёт ҳамда санъат қавмига мансуб бир ижодкор сифатида, шахсан ўз фаолиятида юртбошимизнинг доимий гамхўрлигини ҳис қилиб турган бир зинъат сифатида адабиёт ва санъатга кўрсатаётган катта эътибори учун Ислам Абдуғаниевич Каримовга самийий миннатдорчилигимни изҳор этаман. Ҳонажон юртимиз гул-лаб — ишнайверсин!

■ Озод ШАРАФИДИНОВ, «Буёқ хизматлари учун» ордени соҳиб



Тоҳир НИФМАТУЛЛИН олган суратлар

Ҳар йили билимлар кунинда янги қуриб битказилган замонавий билим масканларини ўқувчиларга тақдим қилиш аъана тусига кирди. 2 сентябрь куни Республика Президенти Ислам Каримов ана шундай билим масканларида бири — Тошкент шаҳар қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежининг очилиш маросимида иштирок этди. Меҳнат ва зирлигининг буюртмаси асосида қад ростлаган мазкур коллеж ўз лойиҳаси жиҳатидан республикамизда ягона бўлиб, 1250 нафар ўқувчининг таълим олишига мулжалланган.

СУРАТЛАРДА: 1. Коллежининг умумий кўриниши. 2. Замонавий компьютерлар билан жиҳозланган синфхоналар.

ЯНА БИР КОМПЬЮТЕР МАРКАЗИ

Халқаро алоқа тармоқлари орқали ўқитувчиларни педагогиканинг муҳим янгиликлари билан ошно қилиш мақсадида республикамизда компьютер марказлари ташкил этилмоқда. Ҳозир бундай марказлар Тошкент, Бўҳоро, Урганч шаҳарларида ишлаб турибди. Фаргона шаҳрида

ҳам ана шундай қўлайлик яратилди. Ўзбекистон Халқ таълими ва зирлигидан маълум қилишларича, янги компьютер маркази замонавий компьютер қурилмалари билан жиҳозланган. Бу ерга ўрнатилган «Пентийум» русумли компьютерлар мажмуаси учун 25 миллион сўм сарфланди. Энди бундай «ақлли» машиналар Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги тест маркази ва у орқали Интернет тармоғига уланади.

■ Акбар АЛИЕВ

БИЛИМГА ЧАНҚОҚЛИК

Сариосиё тумани ички ишлар бўлими ҳузуридаги «Шарғун» қўриқлаш бўлимида республикамизда компютер марказлари ташкил этилган «Маънавият ва маърифат» хонаси бир неча йилдири ходимлар учун жойлиқ илм маска-

нига айланган. Бу ерда турли мавзулардаги адабиётлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

— Келажакда янги бадиий ва илмий китоблар олиб, захирамизни янада бойитмоқчимиз, — дейди бўлимага бошлиғи, милиция капитани Шўҳрат Боймуродов.

Бўлинмада ҳафтада икки марта Ватан, мил-

ЯҚУН ВА ТАҲЛИЛ

МУСТАҚИЛЛИККА НИМА ЕТСИН

Юртимиз истиқлолга эришгач, ширкат ҳўжалик-ларида ҳам юксалиш имкониятлари пайдо бўлди. Эндликда ҳўжалиқда этиштирилган полиз, сабзавот, меваларни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотга айлантириш имконияти яратилди.

Қуроқбой ҚАРШИЕВ — Самарқанд вилояти Челақ тумани «Деҳқонобод» ширкат ҳўжалиги раиси

нат ёддираётганининг гувоҳи бўласиз.

Мен бир нарсасга ишонман — бошимизда юртбошимиз бор экан, бу мамлакатга ҳеч қандай кузғун эиён етказ олмайди. Телевизордан жанчиқларини кўрсатаяпти, барининг юзида шижоат, жасурлик балқиб турибди. Улар ҳам билишди орқанда Ватан бор, халқ бор. Энг асосийси, муқаддас туپроқ бор — боболар хокини бағрида сақлаётган. Бу туپроқни хор қилиб бўлмайди. Унинг ҳар бир қарчи азиз ва муқаддас. Ҳа. Қуроқбой Қаршиев фикрларини эшитиб, беихтиёр халқимизнинг ягона қандай қудратли кучни ҳам осонгина яқсон қилиши мумкин. Халқ — қудратли тулқин. Унинг шиддатини тоғлар ҳам қайтаролмайди.

■ Юсуф ЖўРАЕВ ёзиб олди

ЖАСОРАТЛИ
ЖАНГИЛАРИМИЗ

Ё В

ОЛДИНИ ОЛГАНЛАР

Халқимизда «Ёвнинг олдини олган» деган ибора бор. Маъноси шуки, ёв қутуриб бостириб кирган пайтда юртнинг энг баҳодир, қайтмас йигитлари ёв олдини тўсиб чиқади. Шиддат ва мардлик билан олишиб, душмanning паштини қайтаради. Эсингиздами, Абдулла Қодирий ҳам «Утган кунлар»да «Олмаота устидаги душман билан туқнишда қўшинимизнинг биринчи сафини Отабек билан шериги олди», — деб ёзган эди. Ҳа, ёв олдини чинакам қаҳрамонлар олади. Ватанимизнинг жанубига ёвуз ният билан суқилиб кирган маккор, разил ёвга қарши курашда уч нафар фарғоналик йигит ҳам шайх бўлди. Вилоятнинг уч жойидан бўлган бу йигитларни бирлаштириб турган асл фазилат — Ватанга муҳаббат ҳисси эди.

...Сурхондарё. Киштут дараси. Марғилонлик лейтенант Бобур Ганиев разведка гуруҳида қайбир ковакларга биқинган душман издан тушди. Оқшом пайти эди. Қутилмаганда пистирмадан разведкачиларимиз устига ўқ ёғдиришди. Йигитларимиз дарҳол ерга қапишиб, жавоб ўқлари ота бошлашди. Аммо, малъунлар горга писиб олишган, гор оғзини тошлар билан беркитишган эди. Улар очиқ майдонда жойлашган позицияларимизни бетиним ўққа тутишар, бош кўтаргани кўйишмасди. Тенгсиз жанг анча давом этди. Қоронгу туша бошлади. Бобуржон сафининг олдида эди. У душман эгаллаган горга ён қанотдан эмаллаб бориб, ёвузлар қароргоҳига граната улоқтириш, сўнг разведка ниятига жангга бошлаш ниятида аста олдинга интила бошлади. Аскарлар унинг ҳаракатларини кузатиб туришарди. Мард йигит душманга сездирмай горга яқинлашади. Энди граната улоқтиришга шайланган ҳам эдики, қутилмаганда отилган ёв ўқи уни йикитди. Аммо, қонга беланганига, кўкрагидан ўқ еганига қарамай, у тирик эди.

Ярадор дўстини жанг майдонида бизнинг аскарлар қолдирадими?! Энди Бобуржон тарафга фельдшер-старшина Қаҳрамон Мадалимов ўрмалаб кетди. Боши устидан визиллаб учиб турган ўқларга қарамай, у Бобуржоннинг

ёнига етиб бора олди. Лейтенантга дастлабки ёрдам кўрсатди-да, унинг қўлтигидан олиб ўзимизникилар тарафга қайта бошлади. Вирок, номард террорчи ярадорни жанг майдонидан олиб чиқаётган фельдшерни ҳам аямлади.

Бошидан ўқ еган Қаҳрамон Бобуржонни қўлидан чиқариб юборди. Бобуржон аста шеригининг юзларини пайпаслади... Дўсти улган эди! Шохидларнинг айтишича, Бобур Ганиев узини қўтқаргани келган дўсти ҳалок бўлганда шу қадрар жунбушга келганки, кўксидан тинмай қон оқиб турганига қарамай, душман жойлашган горга ўтирилган ва уларга қарата автоматидан сўнгги патрон қолгунча ўқ отган. Автоматини қўлларидан қаттиқ сиққанча жон берган. Кейинчалик ҳаёт унинг қўлини автоматдан ажратиш ҳам қийин бўлган. Ёвга нафрати шу қадрар кучли эди ёш лейтенантнинг...

Бобур Ганиев билан Қаҳрамон Мадалимов юртдош эдилар. Бири Марғилонда улғайган бўлса, бири ундан қирқ қақиримча олисдаги Қувасойнинг Суфрон қишлоғида туғилиб катта бўлган. Ҳар иккаласи ҳам Марғилон шаҳрида, бири планкидод техникумида, бири эса тиббиёт билим юртида таҳсил олишган. Ҳар иккинсининг ҳам ҳарбий хизматга келиб қўлишларига оилавий сабаб бор. Бобуржоннинг бобоси Раҳматали Аҳмедов ҳам, отаси Абдулҳамид Ганиев ҳам офицер эдилар. Отаси оламдан ўтгач, оналари Мунаввар Ганиева тарбиялаб устирган тўрт ўғилнинг ҳаммаси офицер бўлишди. Лейтенант Бахтиёр Ганиев, капитан Ваҳодир Ганиевлар Бобуржон акаси, лейтенант Ваҳром Ганиев укаси. Шу боис Бобуржоннинг Ватан ҳимоячиси касбини танлагани бежиз эмас.

Қувасойлик Қаҳрамонжон Мадалимов эса оиладаги ун фарзанднинг бири, ўғилларнинг кенгаши. Полвоқкелбат, тўғрисуз, оқибатли бу йигит акаси Шўҳрат афгон урушида ортирган жароҳати туфайли оламдан ўтгач, «Албатта ҳарбий бўламан, жонажон Узбекстотим сарҳадларига кўксимни қалқон қиламан» деган ниютда ҳарбийга отланган эди. Сурхон тоғларидаги

Довлоқ дарасида кичик сержант Юнус Охунов ҳам ҳалок бўлди. Учқўриқ туманининг Шеробод қишлоғида вояга етган Юнусжон эндигина 21 ёшга қаршиланган эди. Ҳақиқий ҳарбий хизматдан сўнг шартнома асосида хизматни давом эттираётган йигитнинг орзулари улкан эди. У дародаги жангда жасорат кўрсатди. Пистирмадан илондай ҳужум қилган ёвни қийратди. Шу жангда олти нафар ватанфурушининг ер тишлаши унинг ҳам фидойилиги туфайли юз берди.

— Виз ҳам акамиздай ҳарбий бўламиз, унинг каби Ватан учун хизмат қиламиз! — дейишди жиянлари Фарҳод ва Рашид.

Ёв олдини олган йигитлар ҳеч қачон юрт, халқ ёдидан қутарилмадилар. Зеро, Ватан учун туқилган қон — муқаддас, кўрсатилган жасорат абадийдир. Халок бўлган Бобуржоннинг кўкрак чўнтағидан марҳум отасининг ва севакли қизининг суратлари чиққан. Уларни ўқ тешиб ўтган, йигитнинг тоза қонига беланган... Бир рамзий маъносини бор бу ҳодисанинг. Бобуржон, Қаҳрамон ва Юнусжонлар ўтмишимизни, буюк қадриятларимизни эъзозлагани, айни пайтда келажакка интиланлари рамзи эмасми бу!

Уларнинг ана шу интилишларига ёв ўқи нуқта қўйди. Аммо, минглаб, юз минглаб Бобурлар, Қаҳрамон ва Юнусжонлар уллар ўрнини тўлдирди. Утмишдаги буюк боболаримиз жасоратидан илҳомланиб, келажакнинг улуг кенгликларига интилаётган ана шундай фидойиларимиз бор экан, ёв сарҳадларимизни поймол қила оладими?! Каламушдай писиб ўтган тақдирда ҳам, узоқ қола оладими заминимизда?! Ҳеч қачон! Фарғона вилоятида ҳалок бўлган жангчиларнинг хотираларини абадийлаштириш учун қатор тадбирлар амалга ошириляпти. Уларнинг муборак номлари кўчаларга берилди. Уққан мактабларда уллар ҳақида хотира бурчаклари ташкил қилиняпти. Қабрларга ёдгорликлар ўрнатилди таралдуки бор. Қирчиллама ёшда эл-юрт муҳофазасида ҳалок бўлган жангчилар ҳаёти ёшлар учун ибрат мактаби бўлиб қолажак.

■ Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 9 йиллигига бағишланган, фахрий полвонлар ўртасида, ўзбек миллий кураши бўйича, мусобақалар, Шуманай туман ҳокимлиги ва ХДП туман кенгаши ташаббуси билан бўлиб ўтди. Полвонларга «Фархрий ёрлик» ва совғалар топширилди.

Ўзбекистон ХДП Косон туман кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Сурхондарё вилояти Сароисий ва Узув туманларида содир этилаётган террорчилик ҳаракатлари қораланди.

Қамаши туман партия кенгаши ташаббуси билан Ғаллакор жамоа ширкат ҳўжалигида ўтказилган, «Қайнона» — онам менинг, келиним — қизим менинг» мавзусидаги танлов иштирокида байрами тантаналарига ҳамроҳанг бўлиб кетди.

Шаҳрисабз туман партия кенгаши, шаҳардаги жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда, «Маҳалламиз болалари» мавзусида, кўрик-танлов ўтказди. Ушбу танловда голиб бўлган «Сариосий», «Кунчиқар», «Оқсарой» маҳаллалари вакилларига совғалар топширилди.

Ўзбекистон ХДП Чироқчи ва Косон туман партия кенгашилари ташаббуси билан, жойларда, террорчиликнинг турли қўри-нишларини қораловчи,

ХДП
ХАБАРЛАРИ
ШУ
КУНЛАРДА

Йиғилишлар бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят ва Урганч шаҳар кенгаши мустақиллигининг 9 йиллиги арафасида, партия фаоллари, маҳалла оқсоқоллари ҳамда ёшлар иштирокида, байрам тadbирини ўтказди. Бир пиела чой устида ўтган самимий мулоқот «Отаҳий» театри артистларининг катта концерти билан якунланди.

Гулистон туман партия кенгаши ташаббуси билан, туман маданият бўлими, қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси, «Уч қаҳрамон» ва Навоий деҳқон фермер ҳўжаликлари уюшмаси, «Беш булоқ» ҳамда У. Носир жамоа ҳўжаликларида, «Ватанга содиқлик ва оғоҳликка даъват» мавзусида йиғилишлар бўлиб ўтган бўлса, Сирдарё тумани автокороҳонаси, «Ҳақиқат» жамоа ҳўжалиги, туман йўл қурилиш ҳамда шаҳар коммунал ҳўжалиги бошқармаларида бўлиб ўтган, «Ватан истиқлоли муқаддас неъмат» мавзусидаги йиғилишлар ХДП Сирдарё туман кенгаши томонидан уюштирилди.

Ўзбекистон ХДП Денов туман кенгаши ташаббуси билан истиқлол байрамининг 9 йиллигига бағишлаб, тумандаги «Ёшлар турни» шахмат бўйича турнир ўтказилди. Унда жами 24 та ҳаваскор шахматчилар иштирок этди. Турнир голиби, деб топилган Қ. Раҳматулин ва бошқа иштирокчиларга пул мукофотлари топширилди.

Янгиер туман кенгаши,

туманлараро савдо базаси билан ҳамкорликда, мустақиллик байрами арафасида, кам таъминланган оилаларга кўп минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатди.

Янгиер шаҳар кенгаши фаолларининг навбатдаги «Давра суҳбати» «Миллий гоё — қалбим қуёши» мавзусига бағишланди.

Истиқлолнинг 9 йиллиги арафасида мамлакатимиз жанубий сарҳадларини қўриқлаётган ватан посбонлари — чегарачиларга катта концерти уюштирилди. Бу тадбир ташаббускорлари Ўзбекистон ХДП Музробод тумани ва Термиз шаҳар кенгашилари ҳамда «Маҳалла» хайрия жамғармасининг тегишли туманлар бўлими бўлди.

Ўзбекистон ХДП Денов туман кенгаши ташаббуси билан истиқлол байрамининг 9 йиллигига бағишлаб, тумандаги «Ёшлар турни» шахмат бўйича турнир ўтказилди. Унда жами 24 та ҳаваскор шахматчилар иштирок этди. Турнир голиби, деб топилган Қ. Раҳматулин ва бошқа иштирокчиларга пул мукофотлари топширилди.

Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят, шаҳар ва туман кенгашилари ташаббуси билан, «Оғоҳликка даъват» мавзусидаги турли хил учрашув ҳамда давра суҳбатлари маҳалла, корхона ва ташкилотларда бўлиб ўтмоқда.

Марҳамат туман кенгаши бўлиб ўтган ХДП бошланғич ташкилоти котибларининг навбатдаги йиғилишида партия марказий матбуоти нашрларига 2001 йил учун обунани ташкил этиш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш масалалари кўриб чиқилди.

Андижон шаҳрида мустақиллик байрами арафасида ёш мусавирлар ва фотоҳаваскорларнинг, «Мустақиллик менинг ҳаётимда» мавзусидаги, асарлари кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмада энг яхши асар муаллифларига шаҳар ҳокимлиги ва ХДП шаҳар кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

ХДП Хўжаобод туман кенгаши тумандаги 4 ёрдамчи мактаб-интернатдаги «Меҳрибонлик» синфи тарбияланувчиларига байрам дастурхони ташкил этиб, улларга қимматбахо совғалар топширилди.

Худди шундай моддий ёрдамни Асака туман кенгаши кам таъминланган оилаларга кўрсатди.

Ўзбекистон ХДП Балиқчи туман ташкилоти таф-

тиш комиссиясининг йиғилишида партиёга аъзолик бадалларини тушуми ҳамда туман кенгашининг молиявий аҳволини яхшилаш масалалари кўрилди.

Косонсой туманида ўтказилган меҳр-мурувват ўн қўнлигида ХДП туман кенгаши ҳам фаол иштирок этди.

Янги ўқув йили бошланиши муносабати билан кам таъминланган оилалар фарзандларига моддий ёрдам кўрсатишда ХДП Чортоқ туман кенгаши бошқаларга ўрнал бўлмоқда.

Ўзбекистон ХДП Вобкент туман кенгаши, туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда ёш мутахассис-ўқитувчилар иштирокида, давра суҳбати ўтказди. Кечада ўндан зиёд ёшлар ХДП сафларига қабул қилинди.

Шоҳимардонда, Фарғона туман кенгаши ташаббуси билан, «Оила ва бола давлат ҳимоясида» мавзусидаги илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Марғилон шаҳар партия кенгаши ҳомийлигида ўтказилган, болалар боғчаларининг «Биз Президент фарзандларимиз» мавзусидаги кўрик мустақиллик байрами арафасида якун топди. Голибларга эсдалик совғалари топширилди.

■ Ўзбекистон ХДП МК
матбуот хизмати



Франция ҳукумати мамлакат касаба уюшмалари етакчилари билан музокарадан кейин ёнигига солинадиган солиқ миқдорини камайтиришга рози бўлди. Душанба кунидан буюн бутун мамлакат бўйлаб норозилик намойиши бўлаётган эди. Одамлар нефтни қайта ишлаш корхоналарининг ишига тўсқинлик қилди. ёниги оибдорларига борувчи йўллари тўсиб қўйди. Бундан кейин ҳукумат жойларда ёниги истеъмолини камайтирди. Аммо ишчиларнинг норозилик кайфиятини ўзгартириш учун охири оқибат солиқни камайтиришга тўғри келди.

Энди Франция ҳукумати нефть экспорт қилувчи давлатлар (ОПЕК) ташкилотига мурожаат қилиб, жаҳон бозорига чиқарилаётган нефть миқдорини кўпайтириш ва шу орқали нархни бирош турширишни қаттиқ талаб қилмоқчи.

Германия мудофаа вазира Рудолф Шарпинг Вашингтонда Пентагон раҳбари билан учрашувга кетаётган пайтда қутилмаган тасодиф туфайли жароҳатланди. Унинг машинаси АҚШ Мудофаа вазириликка қираётган пайтда дарвозанинг тўсиғи бирдангина кўтарилиб кетди. Машинадаги автоматик қурилма эса вазирни ташқарига отди юборди. Хатберларга қараганда, Р.Шарпингнинг оёғи ва боши шикастланган.

Пентагоннинг янги қурилган дарвозалари, дейилади АҚШдан олинган хабарда, сўнгги икки йил ичида бир неча қиллига ана шундай зарар етказди.

Осиё тараққиёт банки Қозонстонга 2001-2003 йиллар учун 150 миллион АҚШ долларини миқдорда кредит ажратишни режалаштирмоқда. Шунингдек, яна 20 миллион доллар қийматида тенг техникавий ёрдам кўрсатиш ҳам режадан ўрин олган. Осиё тараққиёт банкнинг қишлоқ ҳўжалиги ва ижтимоий сектор бўйича департаменти директори Ниҳол Амерсингхнинг билдиришича, Қозонстонга берилмак қарзининг 60 фоизи бу мамлакатда қашшоқлиқни тугатиш учун сарфланмоғи керак.

■ (ЎЗА)



БУГУНГИ ГЕРМАНИЯ

ХАБАРЛАР

СКРИНИНГ
МАРКАЗИ

Мутахассисларнинг фикрича, мамлакатимизда болаларнинг 10 фоизи турули хил нуқсон билан дунёга келаркан. Бунинг сабаблари ота-онадаги ҳастамаклар, аёл ҳомиладорлик жараёнида узига қарамаслиги, экологиянинг бузилиши ва ҳоказо. Ҳомиладоғи нуқсонли она қорчидаёқ аниқласа бўладики? Скрининг маркази асосан ана шу масалада шифокорларга кўмак беришга қўлар.

Бухоро вилоят туғуруқхонасида очилган маъруза маркази чакалоқ ва фарзанд кўрадан оналарни текширишдан ўтказишни бошлади. Марказда қиймати 100 минг АҚШ доллари бўлган «Дельфин» аппаратури «Соғлом авлод» халқаро жамғармаси маблағи ҳисобига Финляндиядан олиб келиб ўрнатилди. Агар ногиронлик маълум бўлса, оиланинг рози-

ХАБАРЛАР

лиги билан ҳомиладорлик тўхтатилади. Ушбу марказ биргана Бухоро вилоятини учун эмас, балки қўшни Навоий вилояти оналарига ҳам хизмат қилади.

■ Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА
СИФАТЛИ
МАҲСУЛОТ

Байрам арафасида Берунинг туманидаги «Ё-газ» ҳўссадорлик жамиятида янги цех ишга тушди. Франциянинг «СТЭКА» фирмасидан олинган бу линияда соатига минг литр ёни қалоқлаш мумкин. Энди ҳўссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот — сифатли пахта ёғи бир литрлик бежирим пластмасса идишларда истеъмолчиларга етказиб берилади.

■ Шарофат Йўлдошева,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

ЎВУЗ
ХИЗМАТКОРДАН
ЭХТИЁТ БЎЛИНГ!

Қувайтликлар қўнчица ўз ажалларини бошқа мамлакатлардан келиб, уларнинг хизмати қилиб юрган камгап ва бўйсунувчан хизматкорлари қўлидан топадилар.

Ҳиндистонлик хизматкор Қодира Холижа атиги 10 кун деганда хонадонига оқсоч қилиб олган бекаси 80 ёшли Ойша Ал-Фадалини бўғиб ўлдириб қўйди. Бу билан чекланмаган оқсоч аёл, кекса бекасининг қимматбахо буюмларини ўзлаштириб, унинг қариндошларига кампирнинг «қариялик туфайли қазо қилганини» хабар қилди. Бироқ кампирнинг қариндошлари унинг тағига ишонмай, полицияга мурожаат этишганда, ўлимнинг сабаби аён бўлди. Қувайт криминал суди Қодирани дорға осиб ўлдириш ҳақида ҳукм чиқарди.

Энди ёвуз оқсоч фақат амирининг афидан умид қилиши мумкин ва амирининг улим жазосини бекаси қилишга ҳақи.

ФОТИМАНING
БОШҚА СИРИ
ҚОЛМАДИ

26 июнь куни. Ватикан вақти билан туш пайти. Рим католик черкови, ниҳоят «Фотиманинг учинчи (ва охириги) сирли башоратини ошкор этди. 80 йилдан ортқ вақт мобайнида католикларгина эмас, балки жаҳон афкор оммаси Португалиянинг Фотима шаҳри яқинида қўйивонлиқ қилиб юрган болаларга намоён бўлган Биби Марям нима башорат қилганини биллишга қизиқиб келаётган эди. Тўғри, Биби Марям башоратларининг иккитаси тўғри чиққан.

1917 йил 13 май куни кичик ёшдаги Жасинте, Лусия ва Франсишко мол боқиб юришганда, уларнинг қаршисида гоийбдан Биби Марям пайдо бўлади ва шу йил охирида Россияда инқилоб бўлишини, кейин черковлар вайрон қилиниб, руҳонийлар қувғинга учрашини башорат қилади. Шунингдек, у Жасинте ва Франсишонинг яқин орада қазо қилишини ҳам айтиди ҳамда 13 октябр-гача ҳар ойнинг 13-кунини болаларга кўриниб туришини маълум қилади...

Хуллас, Биби Марям кароматлари амалга ошадди. Россиядаги воқеалар ва болаларнинг ўлими рўй берди. Бироқ унинг учинчи (охириги) каромати ҳам бор эди. Бу каромат мазмунини узоқ йиллар Ватиканда сир сақлаб келинди. Уша болалардан бири Лусия (ҳозир у Португалиянинг Коимбри шаҳри ибодатхонасида роҳибдан одамлар учинчи каромат мазмунини биллишга ҳар қанча уришишмасин, у сукут сақлаб келди.

Ниҳоят, Ватикан яқинда Фотиманинг учинчи сирини ошкор этишга қарор қилди. Кардинал Иозер Раингер «Фотима хабари»га доир рим католик черкови ҳужжати — Биби Марям кароматларига доир матни, шунингдек, унга берилган изохини ўқиб эшиттирди. Кардиналнинг чиқиши тўғридан-тўғри эфир орқали жаҳоннинг 40 мамлакатига кўрсатилишига қарамай, жуда кўплаб журналистлар бу улкан воқеада иштирок этишга қарор қилишди.

Фотима сирининг мазмунини қисқача Рим Папасига Иоанин Павел II нинг ўзи шу йилнинг 13 май куни ўша жойни

зиёрат қилганда айтган эди. Маълум бўлишича, Фотиманинг кароматида XX асрда Рим Папасига суиқасд уюштирилиши айтилган экан. 28 сатрдан иборат черков матнида суиқасд қарда, қайси йили рўй берилиши айтилмаган.

Бироқ Биби Марям кароматида «... бошдан-оёқ оқ либосга ўранган епископ, қурбонларнинг укубат черкан жасадлари орасидан хочта томон ҳорғин юриб келаётиб, ўққа учадди ва худди ўликдай ерга қулаб тушадди», деб эслатилган.

1981 йил 13 майда айнан шундай бўлди: «бошдан-оёқ оқ либосдаги» Иоанин Павел II «папамобил»да тик турганча Авлиё Пётр черкови олдинда ёғди майдондан бутун дунёдан келган ўн минглаб зиёратчилар олдиндан ўтаётиб, туркилик террорчи Али Агжининг ўқидан машина уриқидигига қулаб тушди. Уқлардан бири унинг юрагига жуда яқин жойдан тешиб ўтади. Бу ҳол руҳонийларнинг «Уқнинг йўналишини Биби Марямнинг қўли буриб юборган ва Папани ажалдан сақлаб қолган», деб ҳулоса чиқаришларига сабаб бўлди.

«ОЛТИН БОШОҚ У»
ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЈАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Шуни маълум қиладики, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий мажлиси 2000 йил 5 октябрь куни соат 14.00 да қуйидаги манзилда ўтказилади: 700047. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, М. Мусахонов 2-тор кўчаси, 33-уй.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Олтин бошқоқ У» акциядорлик жамиятини «Тошдонмаҳсулот»нинг бош қорхонасига айлантириш ҳақида.
2. Жамият Низомига тегишли туза-тишлар киритиш.
3. Янги таркибдаги ижроия орган раҳбарининг меҳнат жамоаси томонидан тасдиқланиши.

Кузатов Кенгаши

БАТАН МЕХРИ

ФАҚАТГИНА ҚОЛУР ХАЛҚ

1. ОЛАМ ЧАМАНИ

Анджон — инча бир сўздан пайдо бўлган ном. Кимнингдир бўзгага тикилган соғинчдан, ҳасратдан пайдо бўлган ном бу. Анда жоним қолди деб, бўзлаб ўтди Бобур. Руҳи ҳамон гирёна. Анджон қабохат кишанларини сўзи билан, нафаси билан узган Чўлпондек шоири жаҳони берди дунёга. «Қаноатда филча бўлган» сарбу бардош тимсоли бўлган зарифқалб шоирамиз Саида Зуннуновани берди элга бу тупроқ.

«Анджон деган садодан жон қўшилар бу жона» дейди бу элнинг азиз шоираси Турсунхон Анджиной. Анджон юрти дилбар ва латиф шоири Муҳаммад Юсуф билан фахрланадилар. Улар ўзбек шеърятига ана шундай жайдаги, хассос шоирни улғайтириб берди. Шундай кўси фаҳрага тўла, кўси осмон бу юртинг. Бежиз Нодираи Давроннинг этаклари бу азиз тупроққа минг бора бош уриб ўтмаган экан. Моҳларойим этаклари тупроқнинг, тупроқ унинг этаклариниму таваф этиб келади ҳамон. Унинг этаклари эпкинни бизга шеър бўлиб садо беради.

Олам чаманики бевафодир, Бир оҳ ила ҳазон этиб кет!

Унинг охларидан ҳазонлар гулга айланмишдир. Абадият гулларига. Бу гуллар Анджон тупроғида унган гуллар!

2. ФИДОЙИ ЁШЛАР

Биз Анджон учрашувларини Асақанин шеърсевар халқи билан юзлашадан бошладик. Асақанин ташаббускор ёшларидан ташкил топган «Фидойи ёшлар» клубининг аъзолари бизга ўз истеъдодларини, санъатларини намойиш этдилар. Уларнинг санъатларида Ватанга бўлган муҳаббатини, юртга бўлган чўқур эҳтиромини кўрдик. Ҳамма замонларда ҳам ана шундай фидойи ёшлар миллат қадрини, Ватан қаддини кўтарганлар. Асақанда ўн беш мингта экин ёшларни ўз атрофида бишлаштириб эл учун, келажак учун ёниб яшаётган ёшларнинг борлиги бизни беҳад хушнуд этди. Бу ёшлар ажодларимизнинг юрак кўрларидан, пок руҳиятларидан камол топаётган бўлса не ажаб.

Анджон бўйлаб ўтказилган ушбу учрашувларнинг ташкилотчилари ҳам ёшлар эканлиги бизга фарзандларимизнинг адабиётга, шеърга, маънавиятга нақадар чанқоқ эканлигини аңлатди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюмаси Анджон вилояти бўлими ва Анджон Ёшлар телевидениеси ҳамкорликда ташкиллаштирган ушбу шеърый учрашувларга маънавият сабоқларига, маърифатли мулоқотларга ай-

ланиб кетди. «Асақай» хиссадорлик жамияти ишчилари ва уларнинг фарзандлари билан бўлиб ўтган мулоқот бизга Анджинойнинг порлоқ келажига уфқларини очиб берди. Бўлиб ўтган мулоқотлардан бизнинг руҳиятимиз кўтарилди. Ватанимиз, халқимиз бахтига юртиниздан бизнинг руҳиятимиз кўтарилди. Ватанимиз, халқимиз бахтига юртиниздан бизнинг руҳиятимиз кўтарилди. Ватанимиз, халқимиз бахтига юртиниздан бизнинг руҳиятимиз кўтарилди.

3. «МУНОЖОТ»НИ ТИНГЛАБ...

Миллатни маънавияти бутун одамлар кўтаради. Адабиётга, шеърга меҳр кўйган одамларнинг маънавияти бутун бўлади. Биз Хонобод шаҳрининг сўлим оромгоҳида бўлиб ўтган учрашувларда ана шундай маънавияти бутун одамларни кўрдик. Хонобод аҳли шеърни кўнгил билан эшитар экан. Улар берган саволларда ҳам шеърга ошуфталик, маънавий баркамоллик кўриниб турди. Мушоира сўнггида Хонобод шаҳар ҳокими Махсум Мусаев сўз олиб, ўқилган шеърлар, маърифатли сабоқлар учун ташаккур айтиб шундай деди: «Мана бу бош эгиб турган мажнунтоғлар, шаҳримизнинг сўлим гўшалари бежиз бўлиб бўлмаган. Улар эртанимиз, келажакимиз учун хизмат қилиши керак. Шу боис мен ҳар йили баҳор фаслида республика бўйлаб ёш ижодкор кизлар мушоирасини бизнинг Хонобод шаҳримизда ўтказилишини таклиф қиламан».

Биз Хонободдан «Муножот»ни тинглаб қайтдик.

4. ЗИЁЛИ ДАВРА

Кўрғонтёпа туманида бизни руҳи баланд, адабиётга ҳабиб давра кутиб олди. Туманнинг ижодкор аёлларидан ташкил топган ушбу файзли даврада аланечук шуқў, баланд бир руҳият ҳоким бўлди. Туман хотин-кизлар кўмитаси раиси Иқболхон бизга бу аёллар туманнинг энг илғорлари, энг қаймоқ фикрчилари эканини айтди. Дарҳақиқат, шундай теран фикрли жонбахш аёллар бизга Анджинойнинг майин эпкин овозли шоираси Саида хоним Зуннунованин шеърларида камол топаётган бўлса не ажаб.

Даврани шоир Қамчибек Кенжа бошқариб борар экан, бу меҳнаткаш аёллар шеърларини матбуотда ёритиб боришни ва айнан вилоятнинг «Халис» газетасида шу ижодкор оёқларнинг ушбу саҳифага маънавият сабоқларига, маърифатли мулоқотларга ай-

лашабуларимизда шижоатли ёшларни ўзимизга кашф этиб қайтдик. Гулнора Курбонова, Дилфуза Аҳмедова, Феруза Орипова каби истеъдодли кизлар юртинимиз келажига, Ватан манфаати йўлида меҳнат қилиши иштиёқидан юрган ёшлардан. Ҳақиқий маънавий сабоқ адабиётда эканини аңлаб етган бу ёш кизларнинг юрагига, шижоатига ҳавасимиз келди.

5. ГУЛ КЎП ЖОЙДА ШОИР КЎП

Жалолқудуқликлар шоирларни кўп ва хўп тинглаган аҳлга ўхшайдилар. Вазмин, тоза қалб одамлар билан юрак кўриниб турадиган самимий суҳбатлар бўлиб ўтди. Бу одамларнинг ҳар бирида бизнинг тупроқда Моҳларойим яшаб ўтган деган юксак бир фахр, ажодлар ёдига буюк эҳтиром сезилиб туради.

Улар элнинг шоирларини сўрайдилар. Учрашувларга қорлайдилар. Шоирни сўраб, шоирга интизор турган халқнинг адабиётини завол топмайди. Жалолқудуқ тумани ҳокими Манзура Эгамова: «Анджонни биз гуллар шаҳрига айлантирялмиш. Зеро, гул кўрканган элда одамга меҳр, табиятга муҳаббат кўкаради. Гул кўп жойда шоирлар кўплайди, деб лутф айтдилар.

Биз ҳам шу тупроқда туриб ният қилдик: — Оллоҳ бу юртга Нодираю Давроннинг руҳи тарбия этган муаззам шоирларни берсин яна. Ҳазрат Бобур Шоҳ қиличлари дамидек ўткир, зийрак қалб паҳлавон ўғлонлар, фарзандлар берсин яна.

6. ФАҚАТГИНА ҚОЛУР ХАЛҚ

Адабиётни халқнинг меҳри собит ушлаб туради. Адабиёт, шеърят, санъат халқ маънавияти ва руҳиятининг тириклик томирига янада ҳаёт бағишлайди. Бу ҳаётбахшликни асраб қолиш учун муқаррам шоиримиз Чўлпон айтганидек, «Кучоқ очиб халқ ичига бормоғимиз керак». Чунки халқ билан юзлашадиган унинг юрагига, орзу-умидларига, қувонч-ташвишларига яна ҳам яқин борган бўламиз. Бу яқинлик барча инсоний саодатлар ичида шуқўлироқдир. Халқ адабиётининг ёруғ манзили, шеър ҳам, адабиёт ҳам фақат халқ билангина, халқнинг меҳри билангина мангулдир. Кучоқ очиб халқ ичига бормоқ саодати бизни тарк этмасин. Зеро, миллатимизнинг фахри шоири Абдулла Орипов айтганидек, «Фақатгина халқ яшар, фақатгина қолур халқ».

■ Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА, Ўзбекистон халқ шоири, Муқорамма МУРОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

«УНИНГ РУҲИ МЕНИ АСРАДИ»

Рўёми аслида владикавказлик. Уша пайтда Москвада жиодий сарарда эди. Дарҳақиқат ҳар кунини унинг кўнги-роқ қилар. Касалманд онаси, уч нафар боласидан хавотир оларди. Бир кунни аёлга тўнғич қизи Мадина: «Ойи-жон, тезда учиб келинг, оиламиз бошига кулфат тушди. Қариндошимиз Гамза оға оламдан ўтди», деди йиғлаб. Ҳотима шодликнинг самолётида чипта олди. Аэропортга кетганда метро вагонидан чиқиб, унга тескари йўналишда вагон кутиб турган кимсага кўзи тушиб, ҳайратдан қотиб қолди.

Эри Руслан 1992 йилги қонли моҳарога бедарак йўқолган эди. Бироқ Ҳотима не кўз билан кўрсинки, эри ўша охири кундаги кийимида бамайлихотир турибди. Аксига олиб тизиз пайт эмасми, йўловчилар тирбанд. Шу пайт пишқириб вагон тўхтади-да, оломон ур-сур қилиб ўзини вагонга урди.

Ҳотима эрини кўздан қочирмасликка тиришарди. Бошидаги мўйнали телпакни ўзи харид қилганди. Ҳатто устидаги пўстин ҳам ўша анча уриниб қолган. У эри чиққан вагонга улгуролмай, орқасидан вагонга аранг чиқиб олди. Бахтига Руслан унинг вагонига жуда яқин ўриндиққа чўқди-да. Ҳотима кўзлари билан ахтарга бошладилар. Кўз-кўзга тушди, негарди у хотинини танимади, бепарво қараб тўраверди.

Сўнг кейинги бекатда тушман деганди ишора қилди. Ҳотима минг машаққат билан вагондан тушди. Руслан уни эскалатор ёнида кутиб турарди. Аёл йўловчилар орасидан ёриб, эри томонга ошиқди. Шунда у эрининг қорасини кўздан йўқотди. Шоша-пиша эскалатордан паста тушди. Хув, узоқда яна Русланинг қалпоғига кўзи тушди. Қувиб етганда эри гўё ерга кирдимисмонга учдики, кўздан қочиб бўлди. Уни чаляптиб, шарпадай ном-нишонсиз йўқолди.

Ҳотима эскалатордан паста тушди, яна телага чиқди. Йўқ, Руслан «йўқлик»ка сингиб кетганди», аёл излаётгани сароблигини аңлаб етди. Сароб! Саатга қаради: самолёти аллақачон кўкка кўтарилди бўлганди. Чиптасини эртанги кунга қўчиришга тўғри келди. Внукова аэропортнинг кутиш залида тунни ўтказди. Эрта тонгда шумхабар эшитди: Грузия гарбий йўлида йўловчи автобус жарликка қулаб тушди. «Даҳшат! Ахир, шу автобусда кетишим керак эди. Мен ҳам фожияли ҳалок бўлганлар орасида бўлишим турган гап эди-ку. Наҳотки, Руслан мени «йўлдан чаляптиб» ўлимдан асраб қолган бўлса?! Уч боламни бўзлаб қолишдан сақлаб қолди. У тирик! Унинг руҳи мени кутқарди!»

■ Саида САЙХУН тайёрлади



Тургунбек МАҲКАМОВ олган сурат

КУЛГУ — УМР ЗИЙНАТИ

Денгиз тўфонидан икки киши омон қолиб, кимсасиз оролга тушиб қолди. Уч йилдан сўнг эса ёввойилашиб кетишибди. Соҳилда ўтиришса, денгизда кема кўринибди. Биринчи киши: — Ура! Ҳозир кема сузиб келади ва одамлар ундан тушади. Иккинчиси: — Ҳа, гўштни бутун қишга гамлайдиган бўлдик.

— Коля, нега сенинг ойинг уззу-кун тўшақдан турмайди? Касалими? — Касал эмаслар. Диванни дадам сотиб ичиб қўйишларидан қўрқиб ётибдилар.

■ Тўпловчи: Зухра БОЙМУРЗАЕВА



АЛПОМИШ АВЛОДЛАРИ

СПОРТ КУРАШ ЁШ ТАНЛАМАС, ПОЛВОН ҲЕЧ ҚАРИМАС

Ўзбекистонда спорт-соғломлаштириш мажмуаси ёшлар билан гажам масканлардан. Бу ерда турли тадбир ва мусобақалар ўтказилиб йўлга қўйилган. Яқинда мустақилликнинг тўққиз йиллигига бағишлаб, миллий курашнинг буюроча усули бўйича беллашув уюштирилди. Унда 5-15 ёшгача бўлган болалар ўзаро беллашдилар. Мақсад иштирокорни саралаш ва уларни халқаро мусобақаларга йўллашдан иборат эди. Мусобақада қозонгонлик ёш болалар ҳам иштирок этдилар. Полванларимиз ўн марта биринчи, олтинча, олтинча учинчи ўринни банд этдилар. Қолибларга эсдалик совғалари топширилди.

ШУКРОНА

— Мустақилликимизнинг тўққиз йиллигида тўқсон билан тўқнашиб турибман. Умримнинг энг қувончли ва ҳаяжонли дамлари овоз Ватанимда бахтли ҳаёт кечираётганим. Қани эди, қайта тугилсам-у, умрим борича мустақил юртимда тинч ва осойишта яшасам, меҳнат қилсам, — дейди самарқандлик ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, уруш ва меҳнат фахрийси, ХДП аъзоси Аҳбор Назарқул. — Муқтарам Президентимиз Ислам Каримов мустақилликни эълон қилганида қула-римда қувонч ёшларни беихтиёр қалқитди. Оллоҳга беавад шукрлар бўлсинки, мустақилликимиз бутун бутун буй-бас-

Тўқсонга тўқнашдингиз, юз билан юзлашинг!

ти билан қад ростлади. Энди ҳеч қачон ҳеч кимдан қўрқмаймиз. Мустақилликнинг абадийлиги учун жонимизни ҳам аяммаймиз. 1910 йил Самарқанд туманининг «Хужа Ғулум» қишлоғида туғилганман. Сақкиз ёшимда ота-онамдан етим қолдим. Бошимизни сийлашга бир меҳрибон қўл топилмади. Оқ, у йиллар кўрғилигини ҳеч кимнинг бошига солмасин. «Урташиқ» қишлоғида яшовчи Аҳмадбойнинг ҳовлисида уйхона юмушларини бажариб кун кечирдим. Ҳаётга эрта аралашганим учунми барча қийин-

■ Абдуғани МАМАСОДИҚОВ ёзиб олди

ФАХРИЙЛАР АҲДИ

Оллоҳ берган буюк неъмат — мустақилликнинг қадрини билмаган, унга ҳасад кўзи билан қараган ҳар қандай кўнчинг умри қисқа бўлади. Яқинда Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» Жамғармаси Марказий Кенгаши, Жамғарманин Ташкилотчи Шаҳар ва туман бўлимлари Кенгаши фаолларининг Сурхондарё вилоятининг Тожикистон билан чегара ҳудудиди содир бўлган воқеалар муносабати билан ўтказилган йилгида унинг қатнашчилари ана шундай фикр билдирдилар.

Марказий Кенгаши раиси Эркин Боқиев, фахрийлар Мадамин Ҳасанов, Ҳалимаҳон Муҳиддинова, Азизахон Қаландарова ва бошқалар тинч ва осойишта ҳаётимизга раҳна солмоқчи бўлган гумуроҳлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирар эканлар йил-йилларни ҳаминша сергақ бўлишга даяват этишди. Ўз навбатида уруш ва меҳнат фахрийлари аҳоли айнасида ёшлар орасида учрашуво ва суҳбатларда фаол қатнашиш, мустақил мамлакатимизнинг бутунлиги ва келажига ҳақида кенг тушунириш ишларини олиб боришга ваъда бердилар.

■ Низом ОТАМУРОВА

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

БОШ МУҲАРРИР

Азим СУҲОН

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

- Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Қозоқбой ЙҮЛДӨШЕВ
Ислам ШОҒУЛОМОВ
Норбоб ШАКАРОВ
Алимқул СУЛТОНОВ
Андрей ОРЛОВ
Бахтиёр ҲАМИДОВ
Валерий ЛАБАРШНИХ

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОРРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

- Сўбат ва ҳуқуқ — 133-44-55
Иқтисодий — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80
Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:

- Анджонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоида — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқанда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганча — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
Навбатчи Сулаймон ҲАЙДАРОВ
Газета «Ўзбекистон овози»нинг компютер марказида терилиди ва саҳифаландирилади.
Саҳифаловчи-дастури Икром ИСМОИЛОВ

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтмиш тартиби № 00004
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табақ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 702
Топшириш вақти — 21.00.
Топширилади — 21.00.
1 2 3 4 5 6
СОТУВДА ЭРКИН НАРҲДА